XALQ DEPUTATLARI FARG‘ONA VILOYATI KENGASHI
Q A R O R I

150100, Farg‘ona sh., Alisher Navoiy k., 15-uy, tel: (73) 244-07-35, e-mail: info@ferghana.uz, www.ferghana.uz

2022 - yil 30 - dekabr VI-52-172-11-0-K/22 Farg‘ona viloyati hokimligi

Фарғона вилояти бўйича қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 429 ва 437-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6121-Фармонининг 4-бандига мувофиқ вилоят молия бош бошқармаси ва давлат солиқ бошқармасининг “қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар” лойиҳаси бўйича киритган таклифларини муҳокама этиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 24-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар миқдорларини белгилаш бўйича вилоят молия бош бошқармаси ва вилоят давлат солиқ бошқармасининг 2022 йил 20 декабрдаги 01/01-06-38/2713 ва

19/10-103520-сонли қўшма хати инобатга олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 9 декабрдаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар қўллаш бўйича 06/04-34/4103-хдфу-сонли хатига кўра, қуйидагилар:

ер солиғининг амалдаги солиқ ставкалари 2023 йилда 1,1 бараварга индексация қилиниши кутилаётганлиги;

Фарғона вилояти учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича юридик шахсларга 1 га учун 33,0 млн.сўм ва жисмоний шахсларга 1 кв.м учун 297,0 сўм базавий солиқ ставкаси белгиланиши кўзда тутилганлиги;

келгуси йил базавий солиқ ставкасига нисбатан камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар қўллашда кейинги йил маҳаллий бюджет даромадлари прогнозидан келиб чиқиш бўйича тавсиялари маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қуйидагилар:

Вилоят ҳудудида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар миқдорлари 1-иловага мувофиқ,

вилоят ҳудудида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда,

Солиқ идораларига жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи (якка тартибдаги тадбиркорлардан ташқари) суммаси 2022 йил учун ҳисобланган солиқ суммасининг 1,3 бараваридан ошмаслиги лозимлиги;

туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига вилоят халқ депутатлари Кенгаши томонидан белгиланган ер солиғи ставкаларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун, уларнинг ҳудудларида

жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида 0,7 дан 3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни киритиш ҳуқуқи берилганлиги алоҳида кўрсатиб ўтилсин.

4. Фарғона вилояти ҳокимлиги (А.Уринбоев), вилоят молия бош бошқармаси (З.Рўзалиев), вилоят Давлат солиқ бошқармаси (А.Тиллаволдиев) 3 кун муддатда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган коэффициентларни шаҳар ва туманларга етказилишини таъминласин.

5. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари 1 ҳафта муддатда ушбу қарорнинг 1 ва 2-иловаларига асосан белгиланган солиқ ставкаларига ҳудудларида жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида 0,7 дан 3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қўллаш бўйича муҳокамалар ўтказиб, йил якуни бўйича тасдиқланган солиқ ставкаларини жойлардаги солиқ органларига тақдим этсинлар.

6. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ушбу қарорнинг 1 ва 2-иловаларига асосан белгиланган солиқ ставкаларига нисбатан камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни келгуси йил учун маҳаллий бюджет даромадлари прогнозидан ҳамда мамлакатимизда иқтисодий фаолликнинг тикланганлиги ҳамда аҳоли ва тадбиркорларнинг даромадлари барқарорлашганлигидан келиб чиққан ҳолда қўллашлари тавсия этилсин.

7. Фарғона вилояти Давлат солиқ бошқармаси (А.Тиллаволдиев) ер солиғи бўйича тасдиқланган солиқ ставкаларини барча солиқ тўловчиларга солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали етказилишини таъминласин.

Бунда, ҳудудий солиқ органлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб:

солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини ҳамда ўз вақтида бюджетга ундирилишини назоратга олиб бориш;

тегишли бюджетнинг ижро этилиши жараёнида унга тушумларни кўпайтириш бўйича қўшимча захираларни аниқлаш;

ер солиғининг солиқ базасини ошириш, яъни хатлов ишларини самарали ташкил этиб борсинлар.

8. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (А.Уринбоев) вилоятдаги

тегишли ваколатли органлар билан биргаликда қарор билан белгиланган базавий солиқ ставкаларига киритилаётган коэффициентларни қўллаб борилиши юзасидан ўрнатилган тартибда мониторинглар ўтказиб борсин.

9. Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашлари депутатлари Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги Қонунига асосан мазкур қарор билан белгиланган базавий солиқ ставкаларига киритилаётган коэффициентларни қўллаб борилиши юзасидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатсин.

10. Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати (Д.Джураев), Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси (И.Ҳалимбеков) билан биргаликда мазкур қарорни вилоят телерадиокомпанияси ҳамда вилоятдаги бошқа оммавий ахборот воситаларида, ҳокимлик муассислигидаги газеталарда эълон қилсин ҳамда ҳокимликларнинг расмий веб-сайтларига жойлаштирсин.

11. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

12. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг “Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича” доимий комиссияси (Р.Камолов) ҳамда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Уринбоевлар зиммасига юклансин.

Кенгаш раҳбари **Х.Бозаров**

Xalq deputatlari Farg‘ona viloyat
Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-52-172-11-0-K/22-son qaroriga
1-ilova

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар миқдорлари

минг сўмда

Т/р	**Ҳудуд номи**	**Коэффициент (0,5 дан)**	**Минимал миқдор 2023 йил учун**
1	Фарғона ш	1,37	45 210,0
2	Қўқон ш	1,37	45 210,0
3	Қувасой ш	0,95	31 350,0
4	Марғилон ш	0,95	31 350,0
5	Олтиариқ т	0,82	27 060,0
6	Бағдод т	0,79	26 070,0
7	Бувайда т	0,75	24 750,0
8	Бешариқ т	0,81	26 730,0
9	Қува т	0,94	31 020,0
10	Учкуприк т	0,79	26 070,0
11	Риштон т	0,75	24 750,0
12	Сўх т	0,75	24 750,0
13	Тошлоқ т	0,81	26 730,0
14	Ўзбекистон т	0,79	26 070,0
15	Фарғона т	0,79	26 070,0
16	Данғара т	0,79	26 070,0
17	Фурқат т	0,75	24 750,0
18	Ёзёвон т	0,75	24 750,0
19	Қўштепа т	0,77	25 410,0

Xalq deputatlari Farg‘ona viloyat
Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-52-172-11-0-K/22-son qaroriga
2-ilova

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар миқдорлари

сўмда

Т/р	**Ҳудуд номи**	**Коэффициент (0,5 дан 2 гача)**	**Ер солиғи ставкаси 2023 йил учун**
1	Фарғона шаҳар	1,32	392,0
2	Қўқон шаҳар	1,32	392,0
3	Қувасой шаҳар	0,94	279,0
4	Маргилон шаҳар	1,32	392,0
5	Олтиариқ тумани	0,94	279,0
6	Боғдод тумани	0,82	244,0
7	Бувайда тумани	0,80	238,0
8	Бешариқ тумани	0,94	279,0
9	Қува тумани	0,96	285,0
10	Учкўприк тумани	0,82	244,0
11	Риштон тумани	0,80	238,0
12	Сўх тумани	0,72	214,0
13	Тошлоқ тумани	0,94	279,0
14	Ўзбекистон тумани	0,84	249,0
15	Фарғона тумани	0,84	249,0
16	Данғара тумани	0,84	249,0
17	Фурқат тумани	0,74	220,0
18	Ёзёвон тумани	0,74	220,0
19	Қўштепа тумани	0,83	247,0

Изох: Шаҳарлар ва туманлар Кенгашлари томонидан жисмоний шахслар учун ер солиғи ставкасини маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимида туман (шаҳар) марказлари узоқ-яқинлигига қараб, 0,7-3,0 камайтирувчи ва кўпайтирувчи коэффицентларни белгилаш ҳуқуқига эга.